

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
«ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МОЛИЯСИ, ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ»  
КАФЕДРАСИ



**«ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ МИЛЛИЙ  
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА  
ИНТЕГРАЦИЯСИ ОМИЛИ СИФАТИДА»**  
мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференция  
материаллари

\*\*\*\*\*

Материалы республиканской онлайн научно-практической  
конференции на тему:  
«РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА КАК ФАКТОР ИНТЕГРАЦИИ  
НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ В МИРОВОЕ ХОЗЯЙСТВО»

\*\*\*\*\*

“TOURISM DEVELOPMENT AS A FACTOR OF NATIONAL  
ECONOMY'S INTEGRATION INTO GLOBAL ECONOMY”  
The republican online scientific and practical conference proceedings

20 май 2020 йил

Тошкент – 2020

**«Туризм ривожланиши миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳўжалигига интеграцияси омили сифатида»** мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. – 320 б.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Туризм ривожланиши миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳўжалигига интеграцияси омили сифатида” мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар, мамлакатни узок муддатли ривожлантиришнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқувчи устувор йўналишлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга онд кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармонидаги келгуси йилларда туризм соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни ва улушни ошириш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, соҳани жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш масалаларига асосланган.

Мазкур конференцияда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланишидаги янги тенденциялар ва уларнинг илмий-услубий жиҳатлари, туризм соҳасининг ривожланишида жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари, туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини шакллантириш муаммолари ҳамда туризм соҳасини ривожлантириш ва иқтисодиётдаги улушни оширишнинг назарий, методологик ва амалий масалалари муҳокама этилган ва улар бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Конференциянинг илмий-амалий тавсияларидан республика иқтисодиётини ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар мутахассислари, илмий тадқиқотчилар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талаба ва магистрантлар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:  
*и.ф.д., проф. Н.Тухлиев*

Тахрир хайъати:  
*и.ф.д., проф. А.А.Исаджанов, и.ф.н., доц. З.Р.Содиқов,*  
*и.ф.н. Г.П.Ғуломова, и.ф.н., доц. А.А.Худояров, и.ф.н. Р.А.Содиқова,*  
*PhD Мухаммад Ийд Балба, Н.Ш.Ботирова, Ў.П.Жиянов, А.С.Равшанов,*  
**Б.Б.Абдурасулов**

Такризчилар:  
*и.ф.д., проф. Р.В.Абдуллаев*  
*и.ф.н. А.А.Абдирашидов*

Мазкур тўпламга киритилган маъруза мақолаларнинг мазмуни, улардаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари шахсан масъулдирлар.

## **ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

*Рўзиев З.И., доцент, Қариш ДУ  
Исматуллаев Ж.А., ўқитувчи, Қариш ДУ*

Мамлакатимиз мустақилликка эришганининг илк кунларидан бошлаб импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга ошира бошлади ва маҳаллийлаштириш дастурини амалда қўллаш устувор вазифа қилиб белгиланди. Импортга ҳаддан ташқари боғлиқлик мазкур сиёсатни амалга оширишни тақозо этарди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг амалга оширишда ташқи савдо сиёсатида экспорт имкониятларини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Президентимиз олий мажлислаги мурожаатномасида 2019 йилда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг миқдори 4,2 млрд. долларни инвестицияларнинг ялпи маҳсулотдаги улуши 37% фойзга саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 28% фойзга ўсган. “Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак. Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин. Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим”[1] деб таъкидладилар, биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ва чет эллик инвесторларга шундай имконият яратиш керак. Бу эса ўз навбатида бозор талабидан келиб чиққан ҳолда ислохотларни амалга оширишни тақозо этади. Шунда биз олдимизга қўйган мақсадимиз экспорт операцияларидан импорт операцияларини камайтиришга эришишимиз лозим бўлади.” Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорга етказиш уларнинг таннархини тушириш учун транспорт логистика соҳасини ривожлантириш зарур” [1] Биз қуйидаги жадвалдан мамлакатимизнинг 2018-2019 йиллардаги ташқи савдо фаолиятида экспорт ва импорт операцияларини кўришимиз мумкин.

**1-жадвал.**

### **Мамлакатимизнинг ташқи савдо операциялари [2]**

№	Йиллар	2018 йил	2019 йил	Фарқи (+-)	Фойзда, %
1.	Ташқи савдо	33,4	42,2	8,8	126,3
2.	Экспорт	14,0	17,9	3,9	127,8
3.	Импорт	19,4	24,3	4,9	125,2
4.	Сальдо	-5,4.	-6,4	1,0	116,3

2019 йил якунида” Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси 42,2 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 млрд долларга ўсди (ўсиш суръати – 26,3 фоиз). Хусусан, маҳаллий товарлар ва хизматларнинг хорижий мамлакатларга экспорти 2018 йилга нисбатан 3,9 млрд долларга ёки 15 фоизга ўсди ва 2019 йилда 17,9 млрд долларни ташкил этди. Республика импорт кўрсаткичи ҳисобот даврида 4,8 млрд долларга ўсиб, 2019 йилда 24,3 млрд долларга етди, бу эса 2018 йилга нисбатан 25,2 фоизга кўпдир. Ўзбекистон транзит салоҳияти 7 млн. тоннадан 16 млн. тоннагача етказиш имконияти мавжуд. Бизнинг ташқи савдодо чиқадиган юқларимизнинг 80% фоизи Қозоғистон Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлақлари орқали ўтади. Шунингдек тайёр маҳсулотларимиз экспортнинг 50% фоизи айрим товарлар бўйича эса 80% фоизга Россия Қозоғистон ва Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади. Экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясида ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 та йирик ҳамкор давлатлар орасида 5 та мамлакат - Қирғизистон, Афғонистон, Тожикистон, Эрон ва Франция билан ташқи савдо айланмаси ижобий сальдо билан яқунланган. Экспортни амалга ошириш сиёсати бу хорижий тўғридан-тўғри инвестициялардир. Афсуски ҳудудлардаги баъзи қийинчиликлар, айрим сабаблар хорижий инвесторлар фаолиятига тўсик бўлмоқда. Мисол учун ишлаб чиқариш учун зарур бўлган айрим ускуна ва жиҳозлар, хом-ашёларни импорт қилишнинг қийинлиги бу соҳада айрим қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу эса Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширилиши лозим бўлган иқтисодиётни либераллаштириш ва эркинлаштиришда ҳам назарда тутилган бўлиб, корхоналарни қўллаб қувватлаш экспорт операциялар бўйича экспортёр корхоналарни қўпайтириш ва имтиёзлар бериш амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон фармонларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш[3] юзасидан иқтисодиётни ривожлантиришда асосий урғу чет эл сармоясини жалб қилиш натижасида шундай тармоқларни тараққий эттиришга берилиши зарурки, улар хом ашё ўрнига рақобатбардош, тайёр маҳсулотларни экспорт қилишга йўналтирилган бўлсин. Бугунги кунда стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлар ва лойиҳалар жумласига енгил саноат, туризм, транспорт хизматлари кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини киритиш мумкин. Шу туфайли чет эл сармоясини, авваламбор, қайта ишлаш саноатига жалб этиш зарур, чунки хом ашёни қайта ишлаш орқали қўшимча қийматли маҳсулотлар яратилади. Иқтисодиётни модернизациялаш ва тузилмавий

силжишлар экспортни рағбатлантириш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга шароит яратиши лозим. Бу ерда товар ва хизматларни ташқи бозорда муваффақиятли сота оладиган махсус ташқи савдо ташкилотларини ривожлантириш; сифатни бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга татбиқ этиш йўли билан товарлар рақобатбардошлигини ошириш; экспортга чиқарилаётган юklarга транспорт хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш зарур. Ўзбекистон, бошқа мамлакатлар сингари, ўз ташқи иқтисодий сиёсатини ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва шериклик манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда юритади. Тараққиёт йўлида Туркия, Жанубий корея, АҚШ, Япония, Россия, Хитой, ва Европа давлатлари билан ҳамкорлик қилади ҳамда ҳудуд хавфсизлиги ва интеграцияга ўз ҳиссасини қўшишда давом этади. Биз иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишда қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– экспортни рағбатлантириш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни келгусида жаҳондаги инқирозни назарда тутган ҳолда стратегияни такомиллаштириш ва ривожлантиришга шароит яратиш;

– сифатли бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга татбиқ этиш йўллари билан товар рақобатбардошлигини ошириш;

– экспортга чиқарилаётган хизматларини кўрсатиш.

– халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик Ўзбекистонда бозор тизимини шакллантириш, ташқи савдо инфраструктурасини барқарорлаштириш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспортга қўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ПҚ-4069. 20.12.2018 й.

2. Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 24.01.2020 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари. 2018-2019 йиллар маълумотлари.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

### ЯЛПИ МАЖЛИС

<i>Тухлиев Н.</i> Инновацион туризм – жаҳон туризм бозорига интеграциялашув омили.....	5
<i>Холбадалов Ў.Ш.</i> Пандемия оқибатидаги инкироздан чиқиш ва тиклаш учун туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш йўналишлари.....	9
<i>Абдуллаев Р.В.</i> Форс кўрфази мамлакатлари сайёҳлик индустрияси ривожига янги трендлар.....	15

### I БЎЛИМ

#### ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ

<i>Исаджанов А.А.</i> “Яшил иқтисодиёт” ривожланишининг концептуал жиҳатлари.....	20
<i>Шарифхўжаев Ш., Атаджанова Д.</i> Давлат-хусусий шерикчилиги: ўзаро молиялаштириш асосида инвестициявий салоҳиятни оширишнинг илмий-назарий жиҳатлари.....	26
<i>Мамадиев Б.Б.</i> Особенности фетв по экологическим вопросам в мусульманских странах.....	34
<i>Валиев Б.Б.</i> Ўзбекистон хуудларида инвестициялар самарадорлигини баҳолаш.....	38
<i>Икромов М.А., Усманова Д.И., Набиева Н.М.</i> Ўзбекистонда брендни баҳолаш муаммолари.....	42
<i>Sharifkhodjayev Sh.O., Bekmurodova F.A.</i> Role of marketing activity in economic sustainability of the companies in consumer sector.....	54
<i>Садикова Р.А.</i> Принципы инновационного развития технологических отраслей экономики Узбекистана.....	59
<i>Закирова С.А.</i> Инновационное развитие как фактор конкурентоспособности страны.....	62
<i>Рахматуллаев А.И.</i> Маҳсулот таннарихи ва уни пасайтириш йўллари.....	65
<i>Рўзиев З.И., Исматуллаев Ж.А.</i> Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг долзарб масалалари.....	68
<i>Юсупов А.С.</i> Проблемы и перспективы развития цифровой экономики.....	71
<i>Абдувалиев А.А.</i> Рақамли иқтисодиётда рақобатни таъминлашнинг устувор вазифалари.....	73
<i>Махмуд А.С.</i> Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масалалари.....	75